

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2022 йил апрель ойининг 15-куни жиноят ишлари бўйича Марғилон шаҳар судининг очик сайёр суд мажлиси Марғилон шаҳар, “Иқбол” маҳалла фуқаролар йиғини маъмурий биносида бўлиб, раислик қилувчи М.Марахимов, Х.Омоновнинг суд мажлиси котиблигида, Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжонов, судланувчи З.Болтабоева ва унинг ҳимоячиси М.Азимов ҳамда жабрланувчи М.Одилованинг иштирокида,

Болтабоева Зухраҳон Рахматулла қизи (Boltaboyeva Zuxrahon Rahmatulla qizi), 1994 йил 18 сентябрда Марғилон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, судланмаган, турмушга чиқмаган, вақтинча ишламайди, Марғилон шаҳар, “Косибчилик” м.ф.й., А.Навоий кўчаси 325-уйда яшайди, эҳтиёт чораси сифатида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан судланувчига оид 1-1513-2201/127-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Болтабоева Зухраҳон Рахматулла қизи 2021 йил 18 октябрь кuni соат 9ларда, Марғилон шаҳар, “Косибчилик” м.ф.й., А.Навоий кўчасидаги 235-уйида фуқаролар Мусаева Сайёрахон Масировна ва Одилова Мухлисахон Анваржон қизи билан уй-жой мероси масаласида келиб чиққан низо юзасидан ўзаро жанжаллашиб кетган. Жанжал давомида М.Одилованинг юз қисмига қасддан уриб-тепиб тан жароҳати етказган.

Судга оид тиббий экспертизанинг 2021 йил 14 ноябрдаги 595-сонли хулосасида, М.Одиловада бош мия чайқалиши билан кечган чап кўз қовоқларида қонталаш, чап билак соҳасида шилинма аниқланиб, ушбу тан жароҳатларининг оғирлик даражаси 6 кундан ортиқ аммо 21 кундан кўп давом этмайдиган енгил шикастлар тоифасига кириши кўрсатилган.

Суд мажлисида судланувчи З.Болтабоева ва жабрланувчи М.Одилова ариза билан мурожаат қилиб, жиноят ишини ярашганликлари муносабати билан тугатишни сўради.

Судланувчи З.Болтабоева судда, ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўлиқ иқрор экани, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи М.Одиловага етказилган зарарни тўлиқ қоплагани, ҳозирда жабрланувчи М.Одилова билан бирон-бир тазйиксиз ярашиб олгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.



Жабрланувчи М.Одилова судда, ярашув тўғрисидаги аризани қувватлаб, З.Болтабоевага нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қоплангани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушингани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд жабрланувчи М.Одилова ва судланувчи З.Болтабоеванинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, ҳимоячи М.Азимов ва Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси Н.Қобилжоновнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи З.Болтабоеванинг айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйик бўлмагани, ярашув судланувчи ва жабрланувчининг хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инобатга олиб, томонларни ярашганлик ҳақидаги аризаларини қабул қилиб, жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84, 582, 583, 585-586-моддаларига асосланиб, суд

а ж р и м қ и л д и:

Болтабоева Зухраҳон Раҳматулла қизи Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 109-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жинойий жавобгарликдан озод қилинсин.

З.Болтабоевага нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан унинг айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилсин.

З.Болтабоевага нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Ажрим устидан у чиқарилган кундан эътиборан йигирма кунлик муддатда хусусий шикоят ёки хусусий протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи судья

М.Марахимов

